**Extraordinary General Meeting of Shareholders of JSC "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" Minutes No 1**

**"Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши БАЁНИ №1**

**Venue:** Kokand city, Davronbek street, 87, administrative building of "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" JSC.

**Йиғилиш ўтказилган жой:** Қўқон шаҳар Давронбек кўчаси 87-уй, "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ маъмурий биноси.

**Date of the meeting:** "06 "January 2020.
**The beginning time of the meeting:** 11.00 AM
**Date of approval:** " 06 " January 2021.

**Йиғилиш ўтказилган сана** "06" январь 2021 йил.
**Йиғилиш бошланган вақти** соат $11^{00}$
**Баён тасдиқланган сана:** " 06" январь 2021 йил.

According to the register of shareholders of Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC as of December 31, 2020, the total number of shares is 972,266, of which 964,451 are voting shares as follows:

- Indorama Holdings B.V. - 928 946 shares.
- "Alp - omad invest" LLC - 79 shares
- Individuals (employees' shares) - 35426 *shares*

"Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖнинг Устав фонди 31.12.2020 йил ҳолатига ёпилган акциядорлар реестрига асосан жами акциялар 972266 дона, шундан жами 964451 дона овоз берувчи акциялар қуйидагича жойлаштирилган:

- Indorama Holdings B.V. - 928 946 дона.
- «Алп - омад инвест» МЧЖ- 79 дона
- Жисмоний шахслар(жамоа улуши)- 35426 дона

**According to the information provided by ballot committee:**
At the General meeting of shareholders 929874 ordinary shareholders or their representatives were registered out of 964.451 ordinary shareholders with voting rights.
Quorum 96.41 percent.

**Саноқ комиссияси берган маълумотга кўра:**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жами 964 451 дона овоз бериш ҳуқуқига эга оддий акция эгаларидан 929 874 дона оддий акция эгалари ёки уларнинг вакиллари рўйҳатдан ўтган.
Кворум 96,41 фоиз.

In accordance with Article 68 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights", general meeting is valid.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

The company's 95.54% stake is owned by Indorama Holdings B.V. Mr. Prakash Kejriwal and Rahul Singh are present with the company's power of attorney dated 08.05.2020. (Registered on 15.05.2020 under number 20-2737)

Жамиятнинг 95,54% акция пакети Indorama Holdings B.V. компаниясига тегишли бўлиб, компаниянинг 08.05.2020 йилдагиишончномаси (15.05.2020 йилда 20-2737 рақам билан рўйхатга олинган) билан жаноб Пракаш Кежривал ҳамда жаноб Рахул Сингх иштирок этмоқда.

Members of the Counting Commissions of the Extraordinary General Meeting of Shareholders:
Sh.Mallaboeva
D.Xaydarova
M.Meliqo'zieva

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Саноқ комиссияси таркиби:
Ш.Маллабоева
Д.Хайдарова
М.Меликўзиева

The agenda of the Extraordinary General Meeting of Shareholders was read out to shareholders and participants.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби акциядорлар ва иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди.

**Agenda**

**1.** Approval of the Rules of the Extraordinary General Meeting of Shareholders;
**2**. Election of the Chairman and Secretary of the Extraordinary General Meeting of Shareholders;
**3**. Decision on concluding a major agreement between Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC and a foreign bank EBRD and Indorama Corporation Pte Ltd.

**Кун тартиби**

**1**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
**2**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш раиси ва котибини сайлаш;
**3**. "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан ЕТТБ хорижий банки ва "Indorama Corporation Pte" Ltd ўртасида йирик битимни тузиш бўйича қарор қабул қилиш.

**The issues on the agenda were discussed.**

On Issue №1 and №2 of the agenda, an open vote was taken.

**Issue №1.** Approve the Regulation of the extraordinary general meeting of shareholders.

The issue to be discussed at the extraordinary general meeting of shareholders and the time of the meeting were announced.

The Rules of the meeting were approved by a majority vote.

**Issue №2.** Election of the Chairman and Secretary of the Meeting;

In accordance with Article 58 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights", the Extraordinary General Meeting was chaired by the Chairman of the Supervisory Board, Mr. Prakash Kejriwal.

Z.Goporov was nominated for the post of secretary of the meeting.

Mr. Prakash Kejriwal was approved as the chairman of the meeting, and Z.Goporov was nominated as the secretary of the meeting by the majority of votes.

**Issue №3**. Decision on concluding a major agreement between Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC and a foreign bank EBRD and Indorama Corporation Pte Ltd.

The Director of Finance of the Company Mr.Ganesh Chaudhary provided information on this issue:

Working capital is needed to start the operation of the business.

Therefore, to meet the demand for working capital, it is planned to receive a bank loan from the European Bank for Reconstruction and Development (EBRD) in the amount of $ 10.0 million.

It is advisable to borrow $ 15.0 million temporarily working capital loan from Indorama Corporation Pte Ltd until the loan disbursement from EBRD.

This loan will help the company meet its demand for working capital in the event of a delay in the issuance of a working capital loan by a foreign bank EBRD and/or any additional requirement.

In addition, the terms of a major agreement between JSC "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" and the "European Bank for Reconstruction and Development" (EBRD) and "Indorama Corporation

**Кун тартибидаги масалалар юзасидан муҳокамага ўтилди.**

Кун тартибидаги 1-масала ва 2-масала бўйича очиқ овоз берилди.

**Кун тартибидаги 1-масала:** Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида муҳокама қилинадиган масала ва йиғилишни давом этиш вақти маълум қилинди.

Кўпчилик овоз билан йиғилиш регламенти тасдиқланди.

**Кун тартибидаги 2-масала.** Йиғилиш раиси ва котибни сайлаш;

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддасига мувофиқ навбатдан ташқари умумий йиғилишга кузатув кенгаши раиси этиб жаноб Пракаш Кежривал номзоди кўрсатилди.

Йиғилишда баён юритиш учун йиғилиш котиблигига З.Гопоров номзоди кўрсатилди.

Кўпчилик овоз билан йиғилиш раислигига жаноб Пракаш Кежривал, йиғилиш котиблигига З.Гопоров номзоди тасдиқланди.

**Кун тартибидаги 3-масала.** "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан ЕТТБ хорижий банки ва "Indorama Corporation Pte" Ltd ўртасида йирик битимни тузиш бўйича қарор қабул қилиш.

Ушбу масала бўйича жамият молия бўйича директор жаноб Ганеш Чаудхари маълумот берди:

Жамият фаолиятини бошлаш учун айланма маблағлар зарур.

Шунинг учун айланма маблағларга бўлган эхтиёжни қондириш учун "Европа тикланиш ва тараққиёт банки" (ЕТТБ) хорижий банкидан 10,0 миллион доллар миқдорида банк кредити олиш режалаштирилган.

ЕТТБ банкидан кредит бергунига қадар "Indorama Corporation Pte" Ltd компаниясидан вақтинча айланма маблағлар учун 15,0 миллион доллар миқдорида қарз олиш мақсадга мувофиқ.
Бу қарз ЕТТБ хорижий банки томонидан айланма маблағ учун кредит бериш кечиктирилган ва/ёки ҳар қандай қўшимча талаблар юзага келган тақдирда жамиятнинг айланма маблағга бўлган талабини қондиришга ёрдам беради.

Шунингдек, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ ва "Европа тикланиш ва

Pte Ltd" were reviewed by an independent auditor in accordance with the Law "on Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights" and a positive conclusion was reached.
On the above issue, the shareholders stated that the approval of these major deals is beneficial to the Company and beneficial to the shareholders in the future.

тараққиёт банки" (ЕТТБ) ва "Indorama Corporation Pte" Ltd ўртасида тузиладиган йирик битим шартлари мустақил аудитор томонидан текширилиб, ижобий хулоса олинди.
Юқоридаги масала бўйича акциядорлардан ушбу йирик битимларни тасдиқлаш жамият учун фойдали эканлигини ва келгусида акциядорлар учун манфаатли эканлигини билдирди.

**The 3rd issue on the vote:**

**3.1.** To approve a major loan agreement between Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC and Indorama Corporation Pte Ltd.
**3.2.** To approve a major loan agreement with Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC from the European Bank for Reconstruction and Development (EBRD).

**Voting results:**

3.1. "supported" – 929874 or 100%, "against" – 0 "abstain" – 0.

3.2. "supported" – 929874 or 100%, "against" – 0, "abstain" – 0.

**Кун тартибидаги 3-масала овозга қўйилди:**

**3.1.** "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан "Indorama Corporation Pte" Ltd ўртасида қарз олиш бўйича йирик битим тузиш тасдиқлансин.
**3.2.** "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки" (ЕТТБ) хорижий банкидан кредит олиш бўйича йирик битим тузиш тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари:**

3.1. "ёқлади" – 929874 ёки 100%, "қарши" – 0, "бетараф" – 0.

3.2. "ёқлади" – 929874 ёки 100%, "қарши" – 0, "бетараф" – 0.

**The counting of votes cast on the agenda of the Counting Commission, based on the results of the vote, the meeting shall decide:**

**Issue №1.**

To approve Regulations of extraordinary general meeting of shareholders.

**Issue №2.**

To elect Mr. Prakash Kejriwal as the Chairman of the Meeting and Z.Goporov as the Secretary of the Meeting by a qualified majority vote.

**Issue №3.** Decision on concluding a major agreement between Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC and a foreign bank EBRD and Indorama Corporation Pte Ltd.

**3.1.** To approve a major loan agreement between Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC and Indorama Corporation Pte Ltd.
**3.2.** To approve a major loan agreement with Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals JSC from the European Bank for Reconstruction and Development (EBRD).

**Саноқ комиссияси томонидан кун тартибига қўйилган масала бўйича берилган овозлар санаб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра йиғилиш қарор қабул қилади:**

**1-масала.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

**2-масала.**

Кўпчилик овоз билан йиғилиш раислигига жаноб Пракаш Кежривал, йиғилиш котиблигига З.Гопоров сайлансин.

**3-масала.** "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан ЕТТБ хорижий банки ва "Indorama Corporation Pte" Ltd ўртасида йирик битимни тузиш бўйича қарор қабул қилиш.

**3.1.** "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан "Indorama Corporation Pte" Ltd ўртасида қарз олиш бўйича йирик битим тузиш тасдиқлансин.
**3.2.** "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки" (ЕТТБ) хорижий банкидан кредит олиш бўйича йирик битим тузиш тасдиқлансин.

**Chairman of the Meeting / Йиғилиш раиси** ____________________ **Mr. Prakash Kejriwal**

**Secretary of the Meeting / Йиғилиш котиби** ____________________ **Z.Goporov**